230496

ТАРИХАН ТАРКИБ ТОПГАН ҲАМКОРЛИК

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 21 апрель куни расмий ташриф билан Францияга жўнаб кетди. Мамлакатимиз раҳбарининг Европа марказидаги юксак тараққий этган ушбу давлатга иккинчи ташрифи ўзига хос, алоҳида аҳамиятга эгадир. Маълумки, мамлакатларимиз ўртасидаги тарихий муносабатлар Амир Темур даврида ўрнатилган. Франция қироли ўша даврларда Европа хавфсизлигига муҳим таъсир кўрсатган соҳибқирон Амир Темурга алоҳида ҳурмат сифатида элчи жўнатган ва ўз навбатида улуғ бобомиз Европадаги бу қудратли давлат билан савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш истагини билдирган эди.

Бугун эса мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқалар ўзаро тенг манфаатдорлик асосида ривож топмоқда. Азалий ҳамкорлик ришталари мустаҳкамланмоқда. Президент Ислом Каримовнинг тиғиз сафар дастури ва ЮНЕСКОнинг Париждаги қароргоҳида ўтказилаётган «Амир Темур даврида маданият, фан ва таълимнинг гуллаб-яшнаши» мавзуидаги конференция ана шу анъанавий алоқалар руҳига мосдир. Республикамиз раҳбари Франция Президенти Жак Ширак, шунингдек, мамлакатнинг бошқа раҳбарлари, парламент депутатлари билан учрашишдан ташқари, таниқли француз тадбиркорлари, йирик банк ва фирмалар раҳбарлари билан мулоқотда бўлади.

— Ушбу сафардан кўзлаган мақсадимиз катта ва унинг натижалари Ўзбекистон учун улкан аҳамиятга эга, — деди, жумладан, Президент Ислом Каримов сафар олдидан журналистлар билан суҳбатда. — Биз Франция билан савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада равнақ топтириш борасида улкан имкониятларга эгамиз. Мазкур имкониятларни тўла ишга солиш ҳар икки томон манфаатларига мос келади. Сафарнинг биз учун ўта муҳим жиҳати — ЮНЕСКОнинг Париждаги қароргоҳида соҳибқирон Амир Темур юбилейига бағишлаб ўтказилаётган конференцияда қатнашишдир. Мазкур воқеа жаҳон ҳамжамияти орасида мамлакатимизнинг обрўси ошиб бораётгани ва аждодларимизнинг умуминсоний қадриятлар хазинасига қўшган улкан ҳиссасининг дунё аҳли томонидан тан олинаётганини ёрқин намоён этади.

Мамлакатимиз раҳбарини Тошкент аэропортида Ўзбекистон Олий Мажлиси Раиси Эркин Халилов, Бош вазир Уткир Султонов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари Исмоил Журабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Бахтиёр Ғуломов ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолди.

Кузатувчилар орасида БМТнинг Ўзбекистондаги доимий вакили Холид Малик ҳам бор эди.

(ЎзА).

ФРАНЦУЗ ЗАМИНИДАГИ УЧРАШУВЛАР

ПАРИЖ, 22 апрель (Фахриддин Низом ва Аброр Ғуломов хабар қиладилар). Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов кеча, 21 апрель куни Франция Республикасига ташриф буюрди. Президент Ислом Каримов бугун Елисей саройида Франция Республикаси Президенти Жак Ширак жаноби олийлари билан учрашди. Суҳбат чоғида икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқаларни янада ривожлантириш истиқболлари муҳокама этилди, ўзбек-француз алоқалари узоқ тарихга эга экани алоҳида таъкидланди. XV асрнинг бошларида буюк соҳибқирон Амир Темур ва Франция қироли Карл VI ўртасидаги ёзишмалар бунинг ёрқин далилидир. Франция Президенти Ўзбекистон Президентига Амир Темурнинг 1402 йили Карл VIга йўллаган мактуби нусхасини топширди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ўз қароргоҳида бугун Франция Республикасининг молия ва ташқи савдо бўйича мутасадди вазири И. Галланни қабул қилди. Учрашув чоғида икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий ва савдо-сотиқ алоқаларини кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Учрашув тугагач, Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири А. Комилов ва Франция Республикаси молия ва ташқи савдо бўйича мутасадди вазири И. Галлан Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Франция Республикаси ҳукумати ўртасида икки томонлама солиқ солмаслик тўғрисидаги конвенцияга ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Франция Республикаси ҳукумати ўртасидаги молиявий протоколга имзо чекдилар.

Куннинг иккинчи ярмида Ўзбекистон Республикаси Президенти Франция Республикаси Миллий Мажлисига ташриф буюрди. Ўзбекистон — Франция Парламент гуруҳи вакиллари иштирокида бўлиб ўтган зиёфат чоғида икки мамлакат парламентлари ўртасидаги муносабатларни ривожлантириш юзасидан фикр алмашилди.

Шунингдек, Президент И. Каримов Франция Миллий Мажлиси раиси Ф. Сеген билан ҳам учрашиб, суҳбатлашди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Францияга ташрифи давом этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ҳузуридаги «Жаҳон» ахборот агентлиги.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1996 йил 23 апрель, сешанба № 49 (21.970).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

ПРЕЗИДЕНТ МАКТУБИ

ПРОФЕССИОНАЛ БОКС БЎЙИЧА ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ АРТУР ГРИГОРЬЯНГА

ҚАДРЛИ АРТУР!

Мен сенинг дунё аҳамиятига молик нуфузли мусобақадаги ғалабанг ҳақида эшитиб, беҳад қувондим. Ер куррасида ўз вазни бўйича кучли боксчи унвонини қўлга киритиш — бу чинакам спорт жасорати, бу ҳақиқий улкан муваффақиятдир.

Сенинг шарафингга Ватанимиз байроғининг кўтарилиши, Ўзбекистон мадҳиясининг янграгани республикамизнинг барча спорт мухлислари қатори менда ҳам юксак ғурур ва умидбахш туйғулар уйғотди.

Сен ўзингнинг ажойиб ғалабанг билан нафақат ёш мустақил давлатимизнинг халқаро майдондаги обрўйини баланд кўтардинг, балки ўзбек спорти шарафига-шараф, шонига-шон қўшдинг. Ёшларимизни жисмоний чиниқтиришда, уларни ватанпарварлик ва ўз юрти билан фахрланиш руҳида тарбиялашда ғалабангнинг аҳамияти беқиёсдир. Ишончим комилки, сенинг ютуғинг қадимий ва олижаноб анъаналарга эга бўлган республикамиз боксининг бундан буёнги ривожига муносиб ҳисса бўлиб қўшилажак.

Қўлга киритилган ғалаба билан сени, қадрли Артур ҳамда Ўзбекистоннинг барча спорт жамоатчилигини чин дилдан яна бир бор табриклайман ва сенинг курашларинг жаҳон спорт майдонларида мустақил мамлакатимиз мадҳиясининг янада баланд янграшига хизмат қилади дея ишонч билдираман.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом КАРИМОВ.

ПРЕЗИДЕНТГА МАКТУБ

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ МУҲТАРАМ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ҳақиқий инсон, меҳрибон раҳбар, деҳқонларнинг доно маслаҳатгўйи ҳожи Абдуғафур ота Саматов вафоти муносабати билан юборган ҳамдардлик мактубингиз хўжалигимиз кўпминг кишилик жамоасини тўлқинлантириб юборди ва меҳнаткашларимиз кўнглига таскин берди. Бу илтифотингиз учун бутун халқимиз номидан Сизга чексиз миннатдорлик изҳор этамиз. Зеро, бу мактуб халқимизни Абдуғафур ота қолдирган буюк меросни эъзозлашга даъват этади, бутун умр элим деб, юртим деб ёниб яшаш, халқ бахти учун меҳнат қилиш, қишлоқларнинг ободонлиги, эл-юрт маъмурлиги, дастурхон тўкинлиги учун умрни бахшида этиш нечоғли муқаддас бахт эканини яна бир бор тасдиқлайди. Мактубингизни қўшни халқлар билан ҳамдўстлик ришталарини мустаҳкамлашдек олижаноб бурчни амалга оширишга ундовчи юрак амри деб биламиз. Халқимиз ҳожи Абдуғафур ота ёрқин хотирасини абадийлаштириб, хўжалигимиз равнақи йўлида астойдил меҳнат қилади, ота бошлаб берган деҳқончилик ва меҳнат анъаналарига содиқ қолади, деб ишонтирамиз. Хўжалигимизнинг шуҳратини янада кўтариб, меҳмондўстлик ва яқинлик ришталарини мустаҳкамлашда, халқ фаровонлиги йўлида саховатли меҳнатимизда Сизнинг бундан буён ҳам энг яқин маслакдош, чин дўст ва доно маслаҳатчимиз бўлиб қолишингизга ишончимиз комил. Абдуғафур ота бошлаган хайрли ишлар келгуси авлод ўрганиши лозим бўлган жонли тарих бўлиб, устоз хотираси халқимиз қалбида умрбод яшайди.

Сизга ҳурмат -эҳтиром билан Тожикистон Республикаси Ленинобод вилояти Жаббор Расулов тумани, ҳожи Абдуғафур Саматов номидаги жамоа хўжалиги бошқаруви аъзолари.

БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ БЕШИНЧИ СЕССИЯСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг бешинчи сессияси 25 апрель куни соат 10 да Олий Мажлиснинг мажлислар залида очилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ДЕПУТАТЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари 24 апрель куни соат 9 дан соат 18 га қадар Олий Мажлис Мажлислар залининг фойесида рўйхатга олинади.

ВАТАННИ СУЙГАН ЎҒЛОНЛАР

Истиқлолнинг беш йиллигини нишонлашга чоғланган халқимиз Ватаннинг жаҳон ҳамжамиятидаги нуфузини тобора сарбаланд булаётганини ҳис этмоқдалар. Маълумки, юртимизда футболнинг бошланиши ўзига хос байрам. Аммо, қувончлар эш булади деганларидек, мамлакат спорт ҳаётида юз берган йирик воқеа ана шундай шодликка уйғунлашиб кетди.

Тошкентдаги армиячилар уйингоҳига ташриф буюрган, мовий экран қаршисида ўтирган ашаддий ишқибозлар сурурбахш воқеанинг шоҳиди бўлдилар. Олмониянинг Гамбург шаҳрида профессионал боксчилар жаҳон чемпионатида ажойиб ғалабани қўлга киритган юртдошимиз Артур Григорьяннинг муваффақиятидан хабардор муҳлислар уни чин дилдан олқишлаб, муборакбод этдилар. Ишқибозлар зарби зур бу йигитни ўтган йили «Қитъалараро олтин камар» соврини учун мусобақада қули баланд келганини яхши биладилар. Ушанда у 12 раундли баҳснинг саккизинчисида ғалабага эришганди. Маҳорати ошиб бораётган Артур жаҳон чемпиони номи учун ҳам астойдил куч синашди. У рақиби — Пуэрто-Рико боксчиси Антонио Риверани 12 раундда накаутли зарб билан мағлуб этди. Артур бунгача 19 учрашув ўтказиб, шундан 12 тасида ана шундай зарб билан ғалабани таъминлаган.

Артур каби Ватанни дилдан севган ўғлонлар юртимиз довруғини оширишга бел боғлаганлар. Шу кунларда ўнлаб моҳир йигитларимиз шу йили ёзда бошланадиган олимпиада ўйинларида Ватан шон-шуҳрати учун маҳорат кўрсатишга шайланиб турибдилар. Артурнинг ғалабаси шарафига Ўзбекистон давлат байроғи кўтарилиб, мадҳиямиз таралган бўлса, олимпиада ўйинларида ҳам шундай қувончли онлар бўладики, Ўзбекистон номи миллионларнинг тилига тушгусидир.

Ажойиб боксчининг зафари муносабати билан юртбошимизнинг унга йўллаган табрикномасини Узбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Алишер Азизхўжаев ўқиб берди. Чемпионга эсдалик совғаси топширилди.

Артур Григорьян мамлакатимиз раҳбарига табрик учун самимий ташаккур билдирди. У Гамбургда эришган ғалабасини Ўзбекистон мустақиллигининг беш йиллиги ҳамда Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишлагани ва бундан буён ҳам Ватанимиз спорти шарафини қўлдан келганча ҳимоя қилажагини айтди.

Тантанали маросимда Президентнинг Давлат маслаҳатчилари Т. Алимов, Б. Ғуломов, Тошкент шаҳри ҳокими К. Тўлаганов иштирок этдилар.

Футбол мавсумини очилиши ана шундай шодиёнага айланди. Ўзбекистон футбол федерациясининг президенти Зокиржон Алматов бешинчи миллий чемпионат иштирокчилари ва муҳлисларни табриклаб, халқ севган ўйинни янада оммавийлашиши йўлида муваффақиятлар тилади. Чемпионат байроғи кўтарилиб, майдонга дастлабки учрашув иштирокчилари тушдилар...

Ҳайдар НОСИРОВ.

ПРЕЗИДЕНТ КИТОБИ – ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА

• Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Халқимизнинг йўли мустақиллик, озодлик ва туб ислоҳотлар йўлидир» номли китоби қорақалпоқ тилида босмадан чиқди. Китобдан давлатимиз раҳбарининг халқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгаши сессиясида сўзлаган нутқи ҳам ўрин олган.

(ЎзА).

СЎНГГИ СОАТДА

• СИРДАРЁ (мухбиримиздан). Гулистондаги Улуғбек номли ўрта мактабда савобли ишга қўл урилди. Бу ерда енгил автомашиналарни таъмирлаш устахонаси очилди. Ёшларга уста Фурқат Сувонов бошчилик қилмоқда. Автомашиналарнинг кузовлари таъмирланиб, ёшларга касб ўргатиляпти. Айни пайтда устахона мактабга иқтисодий фойда келтиряпти. Ўқув хоналарини таъмирлаш ишларини улар ўз зиммасига олишган.

Абдужалил УМАРОВ.

• АНДИЖОН (мухбиримиздан). «Анконтекс» қўшма корхонаси жаҳон андозалари асосида хотин-қизлар ва болаларга мўлжалланган кўйлаклар тайёрлашга киришди. Икки ой мобайнида қўшма корхонада 20 дан зиёд турдаги 22 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Аҳмадилло СОЛИЕВ.

• БУХОРО (мухбиримиздан). Вобкент туманидаги Хайрулла Камолов номли жамоа хўжалиги марказида аҳолига маиший хизмат кўрсатиш мажмуи иш бошлади. Қишлоқ аҳли суратга тушиш, кийим-кечак тиктириш, пойабзал таъмирлаш ва савдо-сотиқ учун туман марказига бориб юрмайдиган бўлди.

Даврон БАҲРОНОВ.

• НАВОИЙ (мухбиримиздан). Машинасозлик заводи жамоаси Россиянинг Иваново вилояти, Родниковск кон бошқармаси ишбилармонлари билан яқин алоқа боғлаган. Иқтисодий ҳамкорлик самарасини бермоқда. Ўтган йили Россиядан 1 миллион сўмликдан ортиқ турли маҳсулот республикамизга, хусусан Навоий вилоятига келтирилди. Бу маҳсулотлар орасида хўжалик техникаси, дон тозалаш агрегатлари, бетон қориш мосламаси бор. Жорий йилда бундай техникадан яна 10 миллион сўмлик келтириш мўлжалланмоқда.

Музаффар ШАРОПОВ.

• ТОШКЕНТ (мухбиримиздан). Тошкент туманининг Маталбой қишлоғида «Хизмат — беминнат» кичик корхонаси ишлаб турибди. Корхона тадбиркорлари иккита мактабда бўлиб, муҳтож оилаларнинг фарзандларига 11 минг сўмликдан кўпроқ совға улашдилар. Шунингдек, ўқувчиларга мўлжалланган кийим-кечак ва ўқув қуроллари ҳам топширилди. «Мактабларда аълога ўқиётган фарзандларимизга бундай совға-саломлар инъом этишни давом эттираверамиз», — дейди қишлоқ оқсоқоли Т. Мамадалиев.

Соҳибжон САЛИМОВ.

ДЕҲҚОН ДАЛАСИДА БАҲОР.

Шомурод ШАРОПОВ олган сурат.

Маиший хизмат

ЯХШИМИ... АКСИ?

Беруний тумани аҳолига маиший хизмат кўрсатиш тадбиркорлар уюшмаси раиси Гулжаҳон Янгибоева билан суҳбатимиз қисқа бўлди.

— Аҳолига маиший хизмат кўрсатишни тубдан яхшилаш бизнинг асосий вазифамиз, — деди у. — Мамлакатимиз Президенти И. А. Каримовнинг кўпгина шаҳар ва туманларда, айниқса қишлоқларда, овулларда маиший хизмат кўрсатишни тубдан яхшилаш ҳақидаги кўрсатмалари бизни ҳам сергак торттирди. Шу йилнинг биринчи чорагида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан кийим-кечаклар, пойабзал тикиш, таъмирлаш, сартарошхона, кимёвий тозалаш, аҳолига хизмат кўрсатишнинг бошқа турлари бўйича анча ўсишга эришилди. Айниқса, «Заир», «Расул», «Тошкент» хусусий фирмалари, «Меҳрибон» жамоа корхонаси аъзолари хизматидан аҳоли мамнун.

Янги иш жойлари ташкил қилинди. Жойларда хизмат кўрсатиш тармоқлари кенгайтирилмоқда. Овулларда 18 та маиший хизмат кўрсатиш нуқталари ташкил этилди.

Яхшими бу? Афсуски бу билан ҳамма жойда ҳам аҳолига маиший хизмат кўрсатишнинг аҳволи яхши деб бўлмайди-да. Маиший хизмат кўрсатишни тубдан яхшилашда туман фаоллари, идоралар, бошқармалар, бирлашмалар раҳбарлари амалий иш олиб боришмаса, маиший хизмат кўрсатиш нуқталари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, асбоб-ускуналар, техника воситалари билан таъминлаш биринчи навбатда ҳал қилинмаса, аҳвол тубдан яхшиланиши мушкул. Бунинг устига харидорлар дидига мос газламалар умуман йўқ ҳисоби.

Туман аҳолига маиший хизмат кўрсатиш тадбиркорлар уюшмаси жамоаси илк ютуқлардан кифояланмай барча имкониятларни ишга солиши, кўнгилдаги натижага эришиш йўлларини қидириб топиши даркор.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Депутат минбари

ЭЛ МУРОДИГА ЕТСА...

Қурбон Амирқулов Сурхондарёнинг Музробот туманидаги дон маҳсулотлари корхонаси директори. Халқ демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига депутат (136-Бойсун сайлов округи). Суҳбатимиз мавзуси қилинган ишлар, бўлажак режаларни туташтириб турган кўприк — бугунги кун ҳақида, депутатнинг ўз фаолиятига, даврга муносабатлари ҳақида.

— Аввалги чақириқ Олий Кенгашга депутатликка номзодингиз кўрсатилган паллалари (1990 йил) қилган гурунгларингизнинг бирида, депутат бўлсам Ўзбекистонимнинг мустақиллиги учун жоним борича курашаман, деган гапингизни одамлар ҳали-ҳали эслашади. Гапингизга фаришталар «омин» деган эканки, осмонимизда озодлик офтоби балқиди. Депутат деган мана шундай одам бўлади, деган фикрга бориб одамлар сизни Олий Мажлис депутатлигига ҳам айтиш мумкинки, бир овоздан сайлашди. Парламентимиздаги ХДП фракцияси аъзоси сифатида, депутат сифатида айтадиганларингиз...

— Парламентимиз таркибидаги сиёсий фракциялар ва гуруҳларнинг мақсади муштарак — халқимизнинг фаровонлиги йўлида хизмат қилиш. Кўп укладли иқтисодиётга ва бозор муносабатларига ўтишни таъминлайдиган, жамиятни маънавий янгилашга, давлатчиликни мустаҳкамлашга, иқтисодий ислоҳотларнинг ҳуқуқий негизини такомиллаштиришга қаратилган қонунларни ишлаб чиқиш. Бу энди, бир фракция маълум масалада ўз қарашини билдирса, қолганлари унга қулоқ тутиб ўтирар экан-да, деган хулосани бермаслиги керак. Ўзимдан мисол қилиб айтадиган бўлсам ҳар бир сессияда ўзимни имтиҳон олдида турган талабадек ҳис қиламан. Муҳокамага қўйилган мавзуни ўрганаман. Таҳлил, талқин қиламан. Фракция аъзолари билан фикрлашаман.

Депутат сифатида, партия аъзоси сифатида мен тушунадиган сиёсат — юртнинг оғирини енгил қилишга ўзни чоғлаш. Ватанни севаман деган гапни сидқидилдан айта билиш. Мана, узоққа борманг-да, Россия Давлат Думасининг шу йил 15 мартдаги қарорини олинг. Ана шундай пайтда тарозининг шайини қайси томонга оғади, деб ўзини панага олиб турган фуқаронинг фазилатли одам деса бўладими? Мутлақо. Президентимиз айтганидай, ортдаги кўприклар ёндириб юборилди. Ортга қайтиш йўқ. Озодлигимизнинг, қадриятларимизнинг, ўзбекчилигимизнинг, келажагимизнинг, авлодимизнинг юзига оёқ қўйиш йўқ!

— Кечирасиз, сиз боя айтган ўша «айрим»лар мансабни, лавозимни гўёки халққа хизмат қилишнинг воситасими, қуролими деб билишлари мумкинлигига нима дейсиз?

— Халққа хизмат қилиш дегани нима? Халққа фақат раҳбарлару фақат депутатлар хизмат қилмоғи керакми? Ёки лавозиму ваколатига қараб биров кўпроғу биров озроқ хизмат қилмоғи керакми? Ё қолганлар, раҳбар бўлмаганлар умуман хизмат қилмаса ҳам бўлаверадими? Ватанни севиш иймондан, виждондан деган гап шиоргина бўлиб қолмаслиги керак. Бизда, афсуски, ҳамон боқимандалик кайфияти деб аталадиган Ватандан, давлатдан таъмагирлик, имтиёз ундириш кузатилаётгандай туюлади. Айрим раҳбарлар эмас, ҳатто айрим фуқаролар ҳам хазинага ўғиринча қўл солишга изн қўйишади. Масалан, айтайлик, камроқ ишлаб, кўпроқ маош сўрашади. Ҳужжатларини қалбакилаштириб, барвақтроқ нафақахўрликка чиқишни истаб қолишади. Ўғитни-ю сувни кўра-била исроф қилиб деҳқончилик экинларидан кам ҳосил кўтаради-да, хўжаликнинг бўшаб қолган ғазнасини тепкилашишади.

Биз бюджетга, давлатга ўзимизни ташлаб олмаслигимиз керак. Ўзимизни ўзимиз обод қилишни, Ватанга беминнат яшашни ўрганишимиз, меҳнат қилишимиз керак. Халқ фаровонлигига, халққа хизмат худди шу нуқтадан бошланмайдими, ахир.

Яхшиямки, қиёфамизни «айрим»лар белгиламайди. Биз ўзбеклар меҳнатга қобил, нонини ҳалоллаб ейдиган, меҳнатни икки кўздан иссиқ биладиган халқмиз. Раису директор деб аталадиган раҳбарлардан талаб қилинадиган нарса оддий: ишни тўғри тортиш. Ҳар қандай тарафкашлигу ошна-оғайнигарчиликка берилмаслик. Тўғри, раҳбар дегани ўзининг жамоасидан ижобий маънода бир қадам олдинда юргани маъқул. Лекин олдинда юришни эплай билмайдиган киши ҳеч бўлмаганда жамоанинг ичида бўлишни эпламоғи шарт.

— Ўз жамоангиздан, ўз ишларингиздан мисол келтирсангиз...

— Жамоамиз 100 киши атрофида. Корхонамизда раҳбарлар бир томону, ишчилар бир томон бўлиб эмас, биргаликда ишлашади. Бош бухгалтеримиз, масалан, мавсум келганда, комбайн билан силос янчади, ёрдамчи хўжалик еридан ғалла ўради. Цех бошлиғи ёки омборчи юклагич агрегатини ўзи ишлатади. Қопланган гуручни лозим бўлганда елкалаб вагонга юклайди. Ўз навбатида оддий ишчимиз вазиятга қараб бош бухгалтер ёки инженер назорат қилиши мумкин бўлган ишга уннайди.

600 бошга яқин чорвамиз, бир гектарча лимонзоримиз, мевазор, чорбоғимиз, ўз кучимиз билан бунёд қилган шаҳарча — қўрғонимиз бор. «Наврўз»да ишчиларимизга 9 килодан арзон нархда (килоси 3 сўмдан) гўшт сотдик.

Германиянинг «Виннлер» фирмаси билан ҳамкорликда бир кеча-кундузда 5 тонна нон ишлаб чиқарадиган нон заводини, Швейцариянинг «Боллер» фирмаси билан ҳамкорликда бир кеча-кундузлик қуввати 50 тонна ун ишлаб чиқаришга мўлжалланган тегирмон қуряпмиз. Корхонамизда темир-бетон цехи, тикувчилик кичик фабрикаси очилди. Термиз шаҳрида супермаркет савдо мажмуасини қуряпмиз.

Одамларимиз бошқалардан ишчан, бошқалардан сергайрат, десам хато гапирган бўламан. Ҳар ким ўзининг аравасини ўзи тортади. Юқорида эслатганимдай ҳар бир киши — хоҳ у ишчи, хоҳ у директор бўлсин, ўзига тегишли чизиқни тўғри тортади. Худди шу тамойилнинг қарор топишида ҳеч ким бошқа бировга халақит бермайди. Яхши ишласам, яхши яшайман деган гапга ишонишади, тамом.

Мана кичкина бир корхона — жамоасининг юрт манфаатига, халқ хизматига, мустақилликни мустаҳкамлашга кўрсатаётган ҳиссасини барқарорлаштириб турган оддий йўл.

— Сиз яшашу ишлаш жойингиздан юз чақиримча узоқда бўлган округдан депутатсиз...

— Нима демоқчи бўлганингизга тушундим. Одам қанча кўп гапирса, шунча кўп мақтанган бўлади, деган экан бир донишманд. Шуни ҳисобга олиб, бу саволга жавобни ўзимни танқид қилишдан бошласам: Олий Мажлисда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси аъзосиман. Иқтисодий ислоҳотлар муаммоларининг долзарблиги ва шиддатидан келиб чиқиб Олий Мажлисимиз мулк тўғрисидаги қонунларни такомиллаштириш, банк ва солиқлар тўғрисидаги қонунларни ишлаб чиқиш борасида ўтган қисқа вақт мобайнида катта ишларни амалга оширди. Тиғиз ишлади. Айни пайтда экологик муаммолар ечими билан шуғулланиш ва уларни ҳал этиш биз депутатларнинг ҳамиша диққат-эътиборимизда.

Тўғри илғаб айтганингиздек, оралиқ масофанинг узоқлиги сайловчилар билан вақт-бевақт учрашиб туришига халақит бериши табиий. Ишимиз қонунларни ишлаб чиқариш деб ўзимни четга олиб турганим йўқ. Бойсун тоғлар ва қир-адирлар ўлкаси. Асрий муаммоси шуки, сув заҳиралари кам. Корхонамиз Санжар тоғи устидан ўтувчи дарё сувини 1750 литр лахм (тоннель) қазиб, шаҳарга ва «Бойсун» жамоа хўжалиги далаларига оқизиш ишига бош қўшган. Бу иншоот яқинда ишга туширилади. Демак, аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш, ҳатто, минг гектардан нари-бери ерни суғориш имконияти яратилади.

Наврўз кунлари Бойсунда табиий газ ёнди. Президентимизнинг тоғ қишлоқларига кўрсатган бу ғамхўрлигидан бойсунликларнинг боши осмонга етди. Корхонамиз бу хайрли ишга ҳам баҳоли қудрат ҳисса қўшиб келмоқда. Қувур, бошқа ашёлар таъминоти билан шуғулландик. Бойсунда ишчи кучларини жойлаштириш муаммоси долзарб. Бу ерда катта миқдорда кўмир, керамзит, бошқа қазилма бойлик заҳиралари борлигини инобатга олиб, ҳунармандчилик, косибчиликни бойсунликлар ўрнига қўйишини назарда тутиб айтиш мумкинки, аҳолини иш билан таъминлашни яхшилаш мумкин.

Суҳбатдош: Олимжон УСАНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Наманган вилояти Учқўрғон туманидаги Яшиқобод жамоа хўжалигида «Фарғона-3» чигити экилмоқда. Хўжалик аъзолари бу йил 3350 тонна пахта етиштиришни ният қилишган.

Бозоров, бригада етакчиси М. Исомиддинов, механизатор А. Содиқовларни кўриб турибсиз.

СУРАТЛАРДА: экиш пайти; ўнгда эса жамоа бошқаруви раиси Э.

Пўлатжон АКБАРОВ олган суратлар.

«Ўзбекистон — Ватаним маним»

САРАЛАШ БОСҚИЧ ҒОЛИБЛАРИ

БУХОРО. Садриддин Айний номидаги вилоят мусиқали драма ва комедия театри биносида Республика Вазирлар Маҳкамаси қарорига биноан мамлакатимиз мустақиллигининг беш йиллигига бағишлаб ўтказилаётган «Ўзбекистон — Ватаним маним» кўрик-танловининг саралаш босқичи бўлиб ўтди.

Барча ижроларга ҳакамлар ҳайъати баҳо берди. Биринчи ўрин Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ўлмас Расуловнинг шоир Самандар Воҳидов шеърига басталаган «Истиқлол бонги» қўшиғини ижро этган хушовоз хонанда Мавлуда Самандаровага берилди. Бухоро шаҳридан Орзигул Камолова, Бухоро туманидан энг ёш қатнашчи Даврон Сулаймонов ва жондорлик Нуриддин Аҳадовларга иккинчи ўрин насиб этди. Учинчи ўринни эса Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ўлмас Расулов, ғиждувонлик кекса отахон Ҳамдам Файзиев, вилоят филармонияси яккахон қўшиқчилари Олтиной Олтиева, Гулнора Раҳматовалар эгаллашди. Энди улар республика танловида қатнашадилар.

Б. ДАВРОНОВ.

«КИРИМИДАН ЧИҚИМИ КЎП»

(«Ўзбекистон овози», 1996 йил, 13 март)

Газетада эълон қилинган «Киримидан чиқими кўп» сарлавҳали мақолани атрофлича кўриб чиқиб, Республика «Қоракўл» ишлаб чиқариш бирлашмаси қуйидагиларни маълум қилади.

Мақола муаллифи Навоий вилояти қоракўлчилик хўжаликларида чорва қишловини беталафот ўтказиш бўйича қатор тадбирлар амалга оширилган бўлса-да, яйловлардаги ўт-ўланларнинг эрта қуриб қолишидан, қишловга кирган қўй-қўзиларнинг аксарияти ўртадан паст семизликда бўлганлигидан, бир қисм майда моллар чиқимига йўл қўйилганлигини, шунингдек, иқтисодий танглик оқибатида қоракўлчилик хўжаликлари саноат корхоналаридан олган озуқа, ёнилги-мойлаш маҳсулотлари ҳисобидан қарздор бўлиб турганликларини тўғри баён этган.

Вилоят қоракўлчилик хўжаликларида чорва қишловини бенуқсон ўтказиш мақсадида давлат томонидан 1995 йил IV чорак учун 10 минг тонна ем ажратилиб, хўжаликларга етказилган. Шунингдек, чўпонлар учун 1432 жуфт кирза этик, 110 та пахтали халат, 1600 та пахтали шим ва 1600 та пахтали фуфайка, 296 кг. кигиз, 980 дона авторезина, 7 тонна шпагат, 6,9 минг тонна бензин, 8,4 минг тонна дизель ёнилгиси, автотранспортларга 1,4 млн. сўмлик эҳтиёт қисмлар, қудуқлардан сув чиқариш учун 8,8 минг метр ясси қайишлар ажратилиб, хўжаликлар таъминланган.

Шунингдек, жорий йил 1-чораги учун суғурта фонди ҳисобидан 1000 тонна шелуха ва 1000 тонна қунжара ва фонд ҳисобидан 8 минг тонна ем ажратилган.

Ҳозирги кунда эса ажратилган озуқаларни олиб, жойларга етказиш чоралари кўрилмоқда.

Хўжаликларнинг манфаатдорлигини ошириш мақсадида Бухоро қоракўл заводига ўзаро шартнома асосида 1996 йилда сотиладиган қоракўл терилар умумий қийматининг 22 фоизи олдиндан хўжаликларга ўтказилди. Шунингдек, Республика «Қоракўл» ишлаб чиқариш бирлашмасининг қарорига асосан сотиладиган ҳар бир дона қоракўл тери учун ўртача 250 сўм, жуннинг (физик ҳолда) ҳар килограммига ўртача 15 сўм нарх белгиланган.

Ҳозирги кунда вилоят хўжаликларида қўзилатиш мавсуми оммавий тусга кирган. Барча диққат-эътибор мавсумда кўплаб қўзи олиш, қўзиларнинг аксарият қисмини ўстиришга қолдириб, қўйлар сонини кўпайтиришга қаратилган.

С. ҚАРШИЕВ, республика «Қоракўл» ишлаб чиқариш бирлашмаси раиси.

„Ўзбекистон овози"га жавоб берадилар

«РАҲБАР КАРТОШКА ЕМАЙДИМИ?»

(«Ўзбекистон овози», 1996 йил, 6 февраль)

Мутасадди ташкилотларнинг раҳбарлари иштирокида газетанинг 1996 йил 6 февраль сонида чоп этилган «Раҳбар картошка емайдими?» сарлавҳали мақола атрофлича муҳокама қилинди ва кўрсатилган камчиликлар бўйича зарур чора-тадбирлар белгиланди.

Ўтган йилнинг июль ойида вилоят аҳолисининг картошкага бўлган эҳтиёжини қоплаш, хўжаликларнинг уруғлик картошкага бўлган талабини қондириш мақсадида бир қанча хўжаликларга вилоят ҳокимининг қарори билан уруғлик картошка етиштириш вазифаси юкланган эди. 1995 йилда картошка экилган майдон 1994 йилга нисбатан 625 гектар камайганлигига қарамай, жами 19 минг тонна картошка етиштирилди, ҳосилдорлик гектарига 16 центнер кўпайди.

Ҳозирги кунда вилоят хўжаликларида 1996 йил ҳосили учун эртаги картошка майдонини ўтган йилга нисбатан икки баробар кўпайтириш чоралари кўриляпти.

Бундан ташқари, эртаги етиштирилган картошканинг асосий қисмини саралаб, суғориладиган ғалладан бўшаган майдонларга такрорий экиш кўпроқ мўлжалланмоқда.

Уруғлик картошка етиштириш учун ихтисослашган хўжаликларда жорий йилда етиштирилган ҳосил тўлиқ уруғлик учун сақлаш ва келгусида картошка экиш майдонини кенгайтириш ва ушбу хўжаликларда уруғлик сақлаш учун қўшимча омборхоналар қуриш чоралари кўрилмоқда.

Вилоят ҳокимлиги 1996 йилда картошка етиштишнинг талаб даражасида бўлиши юзасидан барча чора-тадбирларни кўради.

Қашқадарё вилоят ҳокимининг ўринбосари Р. РАҲМОНОВ.

ДУНЁ ОКЕАЛАРИ

ЯНГИЛИКЛАР, ХАБАРЛАР, ФАКТЛАР

• АРАБ ДАВЛАТЛАРИ вакиллари Исроилнинг Ливанга қарши ҳарбий ҳаракатларини тўхтатишга йўналтирилган резолюцияни кўриб чиқиш ҳақидаги таклиф билан БМТ хавфсизлик кенгашига мурожаат қилди. «Биз БМТ хавфсизлик кенгашини резолюция лойиҳасига биноан чора кўришга чақирамиз, хавфсизлик кенгашининг ҳаракат қиладиган вақти келди», деди Мисрнинг БМТдаги доимий вакили Шамир Муборак.

***

• БРАЗИЛИЯНИНГ ШИМОЛИДАГИ Курионополис шаҳри яқинида ерсиз деҳқонлар билан полициячилар ўртасида кейинги 20 йил мобайнидаги энг катта тўқнашув юз берди. Тўқнашув натижасида 18 нафар деҳқон ва уч полициячи ҳалок бўлди. 20 нафарга яқин киши қаттиқ жароҳатланди, дейилади шу мавзудаги хабарда.

***

ХИТОЙ ХАЛҚ-ОЗОДЛИК армиясининг бир гуруҳ зобитлари олий жазога ҳукм қилинди, деб ёзади Гонконгда чиқадиган «Истерн экспресс» газетаси ХХР ҳарбий кенгаши хабарига таяниб. Газетада таъкидланишича, шу йилнинг март ойида Пекин ҳарбий трибуналида 80 нафар зобит устидан жиноий иш кўриб чиқилган. Улар мамлакатда тартибсизликлар келтириб чиқариш учун яширин ташкилот тузганликда айбланган. Зобитлардан 39 нафари ўлимга, қолганлари эса умр бўйи қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

***

НЬЮ-ЙОРК ШАҲРИ ПОЛИЦИЯСИ «Рус мафияси»га қарши кураш олиб бориш учун махсус қисм ташкил қилди. Шу вақтгача эса шаҳарда Россиядан келган жиноятчилар билан маҳаллий изқуварлар шуғулланиб келар эди.

Ана шундай бўлим федерал қидирув бюроси қошида ҳам икки йилдан буён фаолият кўрсатмоқда. Мазкур бўлим саъй-ҳаракати билан жиноят оламида таниқли бўлган «Япончик» лақабли россиялик В. Иванков деган жиноятчи ҳибсга олинган эди.

ҚАДИМ АМЕРИКАДА НИМА ЕЙИШГАН?

Европада иссиқ овқатни бизга нисбатан камроқ тановвул қилишади.

Айниқса, қовурилган, ёғли таом, нонни қатъий меъёрда ейишади. Кўпроқ дармон-дорига бой мева, сабзавот, енгил ҳазм бўладиган, калорияли озиқ-овқатларга аҳамият беришади. Лекин ўтмишда улар қандай озиқ-овқатларни кўпроқ истеъмол қилган?

Айтайлик, ўтган асрдаги Америка ошхонасига «мўраласангиз» ҳайратланишингиз табиий. Ҳатто замонавий мутахассис-врачларнинг ҳам бу ҳолдан тепа сочлари тикка бўлади.

Америкаликлар ўтган асрда асосан ўта ёғли, қовурилган, гўштли, кучли овқатларни хуш кўришган экан. Буғдой уни, маккажўхори, шакар, ёғ, қуритилган мева, туз, тузланган чўчқа гўшти. Айниқса, чўчқа ёғи, умуман, ёғни ҳаддан зиёд истеъмол қилишган.

— Ёғли озиқ-овқатлар кўпроқ ейилганини алоҳида таъкидламоқчиман, — дейди қишлоқ хўжалиги тарихи бўйича мутахассис, доктор Уэйн Рэссен, — ҳозир эса бунинг акси. Бу тараққиёт белгисидир.

Кам овқат истеъмол қилиш аввало соғлиққа фойдали. Бу фақат америкаликларга хос «тараққиёт» эмас, албатта. Инсон танасидаги ортиқча вазн кўпгина касалликларнинг авж олишига олиб келади.



ҲИНДИСТОН: Ражагари чўққиси.

Аломат гаплар

ДУНЁДАГИ ЭНГ КИЧКИНА ОНА

ДЕНВЕР. Колорадо штатида бахтиёр аёл — Кэти Далминофф яшайди. У дунёдаги энг кичкина онадир. Бўйи 85 сантиметр. Ўзи ҳақида репортёрларга «Дунёдаги энг бахтли аёлман ҳам!» дея ғурурланиб гапиради.

Ёшлигимданоқ жудаям бахтли бўлишни хоҳлардим, — дейди у. — 5 яшарлигимда бўйим ўсишдан тўхтаганда мен қатъий қарорга келдим: «Бахтли аёл бўламан, албатта!» Аниқроғи, мақсад билан яшадим. Ҳозир 38 ёшдаман. Ўглим Жеффи ва эрим Жорж менинг бахтим!

Ҳа, Кэти бахтли аёл. У бир кўришда севилиш бахтига муяссар бўлган. Бундай туйғу эса ҳаммага ҳам насиб этавермайди-да. Жоржнинг айтишича, бир куни шаҳар хиёбонида сайр қилиб, юрганда, икки велосипедли аёлни учратиб қолади. Малла соч аёл велосипедни ҳайдарди. Олдидаги корзина — тахти равонда жажжигина гўзал малика — Кэти ўтирарди. Жорж Кэтига кўзи тушгандаёқ юраги «жиз» этганини қайта-қайта таъкидлайди.

Қизиғи, Жоржнинг бўйи 2 метр 58 сантиметр. Митти малика эса қайлигининг бу борада ҳам кўнглига йўл топа олди. Кэти табиатан хушчақчақ. Никоҳ маросимида Кэти бўйини 2 метрга «узайтирди». Оёғига «улама оёқ», ўзиюрар ғилдиракчали мослама кийиб, узун оқ либосга бурканиб олди.

Уйдаги ҳамма жиҳозлар эса, рўзғор анжомлари ҳам жажжи «бека»га мослаштирилган.

Сиёсий иқлим

ЎЗБЕКИСТОН ВА ЭРОН: ЮКСАЛАЁТГАН ҲАМКОРЛИК

Теҳронда «Марказий Осиё ва Кавказ: хавфсизлик ва ташқи сиёсат» мавзуида халқаро семинар бўлиб ўтди. Шу муносабат билан Эрон Ислом Жумҳурияти Президенти Ҳошимий Рафсанжоний жаноби олийлари жаҳоннинг ўн тўққиз мамлакатидан келган расмий вакиллар, сиёсатчи ва сиёсий тадқиқотчилар ҳузурида Марказий Осиё ва Кавказ халқлари собиқ СССРдан «мерос» бўлиб қолган истибдод асоратидан азият чекмоқдалар, деган мулоҳазани билдирди.

Осиё, Европа, Марказий Осиё ва Кавказ мамлакатларидан Эронга ташриф буюрган икки юздан ортиқ тадқиқотчи, сиёсий эксперт ва расмий вакиллар, минтақанинг бой манбаларидан мумкин қадар кўпроқ фойда олиш нияти ҳанузгача Ғарб колонистлари оромини бузмоқда. Минтақа бунинг жабрини тортмоқда, деган фикрга қўшилдилар.

Эрон ҳукумати «Ғарб минтақасидаги халқларга ёрдам беришни истаётган бўлса, ўз сиёсатини қабул қилдиришга уринмаслиги, янгидан мустақилликка эришган мамлакатлар ўзлари мустақил равишда қарор қабул қилишлари учун йўл қўйиб бериши керак. Чунки улар ўзларининг манфаатлари нимадан иборат эканини аниқ-равшан белгилаб олиш қудратига эгадирлар» деб ҳисоблайди. Бугунги кунда дунё ҳамжамияти Эрон минтақада бўҳрон ўчоқларининг камайишига, тинчлик ва осойишталикнинг мустаҳкамланиши ҳамда тараққиётга хизмат қилаётганини яхши билади. Эрон Ислом Жумҳуриятининг Марказий Осиё ва Кавказга нисбатан сиёсати истибдоддан қутилганига ҳали кўп бўлмаган давлатларнинг мустақил ва қудратли бўлишлари, қўшнилар, жумладан Россия билан тинч-тотув ва иноқликда бўлиши, сиёсий-иқтисодий бўҳронларни четлаб ўтиши, тадрижий тараққиёт йўлидан боришни қўллаб-қувватлашга қаратилган.

Марказий Осиё ва Кавказ мамлакатлари узоқ муддат сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан Россия билан боғлиқ бўлганликлари сабабли ўз эҳтиёжларининг асосий қисмини шу мамлакат орқали ёки унинг иштирокида таъминлаганлар. Россиянинг янгидан мустақиллика эришган мамлакатлар билан дўстона алоқада бўлиши бошқа барча мамлакатларнинг манфаатларига мос тушади. Бундай мослик дунё сиёсатининг заруриятидир. Афсуски, Россия Давлат Думасининг Беловеж битимини бекор қилиш, яъни собиқ СССРни қайта тиклаш ҳақидаги қарори шу йўриққа тўғри келмай қолди.

Янгидан мустақилликка эришган мамлакатлар билан ҳамкорлик қилмоқчи бўлганлар бу мамлакатлар халқлари манфаатларини назарда тутишлари лозим. Табиийки, Ўзбекистон ҳар қандай ҳамкорликда ўз манфаатлари чекланишига йўл қўймайди. Бу йўл узоқ ва яқин қўшни давлатлар, жумладан Эрон ва Россия билан ҳам алоқалар ривожининг кафолатидир. Қозоғистон ва Қирғизистоннинг қандай йўлдан боришидан қатъи назар, улар ўз мустақилликларини ўз кучлари билан мустаҳкамлаш мумкинлигига бўлган ишончни йўқотмасликлари керак.

Халқаро семинарда таъкидланганидек, Эрон Ислом Жумҳурияти мустақил Ўзбекистон билан ўз алоқалари ва муносабатларини ана шундай ўзаро манфаатлар асосида қарор топтирмоқда. «Эроннинг жанубий ва шимолий портлари, — деб таъкидлади Президент Ҳошимий Рафсанжоний жаноби олийлари анжуманда, — собиқ СССР ҳудудида пайдо бўлган ёш мустақил давлатларга турли-туман соҳаларда хизмат кўрсатиш ва ҳамкорлик қилиш ҳамда уларнинг эҳтиёжини қондириш учун лозим бўлган барча жиҳозларга эга. Эрон минтақадаги ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантиришга тайёрдир».

Бу ҳамкорлик, шубҳасиз, барча мамлакатлар, жумладан Россия ва Эроннинг ҳам манфаатларига хизмат қилади. Чунки бугунги дунёда Форс кўрфази минтақасида Эрон билан Ғарб манфаатлари бўйича ўзаро англашувга эришиш учун катта эҳтиёж мавжуд.

Салим АШУРОВ, «Ўзбекистон овози» шарҳловчиси.

Марказий Осиёнинг (Турон, Туркистон) шимолий қисми, яъни ҳозирги Қозоғистон, Ғарбий Сибирь ҳудудлари сиёсий жиҳатдан фаоллашган даврлар асосан VI ва XIII—XIV асрларга тўғри келганини биз аввалги мақолаларда кўрдик. Мазкур сиёсий фаоллик ашиналийлар (Турк хоқонлари), Жўчи улуси (Олтин Ўрда) тарихлари билан боғлиқ эканини ҳам биламиз. Жўчи улуси сиёсий фаолиятида расман чингизийлар етакчи ҳисоблансаларда, аммо аслида оби-ҳавони маҳаллий ҳамда шарқдан кўчиб келган туркий сулолалар, ҳарбий-сиёсий кучлар ҳал қилиб келгани ҳам аниқ. Олтин Ўрда саройларида туркий тилда сўзлаганларини ҳам биламиз. Хуллас биз биринчи мақолада чизиб берган Марказий Осиё тарихий ҳудудининг аҳралмас қисми бўлиб келган, Дашти қипчоқ номила ҳам машҳур шимолда XV аср сўнггида ва XVI аср бошларида Шайбонийлар сулоласи майдонга шаҳдам чиқади. Бу сулола минтақадаги бошқа кўплаб туркий сулолалар каби Туркистонда ягона ҳукмрон сиёсий куч бўлишликка интилади.

Шайбонийлар ўз фаолиятларини Жўчи улусининг Оқ Ўрда қисмида бошлаганлар. Мазкур сулола мавқеи айниқса Шайбоний Абулхайрхон (1428-1429 — 1468-1469) даврида юксалган. XV асрнинг 30-40 йилларида аввалига Ғарбий Сибирь ерларида, сўнг Сирдарёдан шимолдаги ҳудудларда ўз ҳокимиятини ўрнатган Абулхайрхон Сирдарёнинг чап қиргоғида жойлашган вилоятларга ҳам зуғум қила бошлайди. Чунончи, 1431 йилиёқ у Хоразмга бостириб киргани маълум. Бу энди шайбонийларнинг темурийлар билан ўзаро зиддиятга кира бошлаганидан далолат эди. Абулхайрхон Хоразм босқини билан чекланмай, Шоҳрух ўлимидан сўнг (1447) Улуғбек мамлакатда йўқлигидан фойдаланган ҳолда Самарқанд ва Бухоро атрофларига ҳарбий юриш уюштиради. Атроф ерларни талаб катта улжа олиб қайтиб кетади. Аммо шайбонийларнинг Мовароуннаҳрга мустаҳкам кириб боришларида темурийларнинг ўзаро кураши бош сабаб бўлган эди десак тўғри бўлади.

1451 йили Самарқанд тахти учун темурийзодалар ўртасида кураш қизиган бир паллада темурий Абу Саъид (1451-1469) ёрдам сўраб Абулхайрхонга мурожаат қилади. Пайтдан фойдаланган Абулхайрхон лашкар тортиб Мовароуннаҳрга кириб келади ва Абу Саъидни бошқа бир темурий шаҳзода Абдулла Мирзога (1450 — 1451) қарши жангида қўллаб-қувватлаб, Самарқандни қўлга киритишида катта кўмак беради. Тахт эгаси бўлиб олган Абу Саъид шайбоний ҳукмдорга каттадан-катта совғалар бериб, Мирзо Улуғбекнинг Робия Султонбегим номли қизини ҳам «тортиқ» қилади. (Кейинчалик бу никоҳдан шайбонийлардан Кучкунчи, Севинхожа, Оқбурун туғилган). Аммо Абулхайрхон учун мазкур юришдан олинган энг катта ютуқ шу бўлдики, 1451 йил воқеалари орқали у Мовароуннаҳр сиёсий ҳаётига шайбонийлар омилини олиб кирди, бу юртда ўз сиёсий мавқеига эга бўлиб олди. Энди унинг учун мазкур йўналишда янада фаолроқ ҳаракат қилиш имкони туғилганди. Бу имкондан у қандай фойдаланди?

1460 йили Абулхайрхон Абу Саъиднинг рақиби темурийзода Муҳаммад Жўқийга Туркистон, Сайрам, Тошкент, Ахсикат, Шоҳрухийани эгаллаб олишида ҳарбий ёрдам беради. Шунга ўхшаш ёрдам қўлини у Хоразм учун Абу Саъид билан курашга киришган султон Ҳусайнга (1469 — 1506) ҳам чўзади. Хуллас, Абулхайрхон борган сари Мовароуннаҳрда ўз нуфузига эга бўлиб боради. Амалда эса бу ҳолат шайбонийларнинг мазкур ҳудудда ўз мавқеларини мустаҳкамлаб бораётганларидан далолат эди. Аслини олганда шайбонийлар Олтин Ўрда (Жўчи улуси) намояндалари сифатида Мовароуннаҳрни собиқ Чиғатой улусининг таркибий қисми деб билиб, унга нисбатан ўз даъволарини ҳақли эканлигига ишонардилар ва бошқаларни ҳам шунга ишонтиришга уринардилар. Шу маънода Муҳаммад Шайбонийнинг қуйидаги сўзлари қизиқиш уйғотади: «Агар Темурбек авлодларидан баъзи мулкларни тортиб олган бўлсак ҳам, мулкпарастлик ва кичик мамлакатларга қаноат қилмаслигимиздан эмас, балки тақдир ҳукмига кўра шундай бўлди. Зеро қазо меросий мулкни яна бизнинг қўлимиз ва ихтиёримизга қайтишни тақазо этади». Кўриниб турганидек, Муҳаммад шайбоний Мовароуннаҳрни ўзига бегона деб билмаган. Буни табиий деб тушунмоқ керак. Зеро, ўша давр воқеликига кўра улар ҳам улуғ Туркистоннинг сиёсий фарзандларидан бири ҳисобланганлар. Ва Дашти қипчоқдаги асосий куч-туркий ҳарбий-сиёсий қатлам манфаатларини ўзларида мужассамлаштирганлар.

Абулхайрхон ўлимидан сўнг (1468 — 1469) шайбонийлар хонадонидаги ички зиддиятлар сабаб сулола заифлашганига қарамай, Муҳаммад Шоҳбахт даврига келиб шайбонийлар яна бир бор қаддиларини тиклаш имконига эга бўладилар. Муҳаммад Шоҳбахт Абулхайрхоннинг Шоҳ Будоғ номли ўғлидан туғилган набираси бўлиб, биз уни асосан Муҳаммад Шайбоний (1451 — 1510) номила яхши биламиз.

XV асрнинг 90 йилларидаёқ Муҳаммад Шайбоний Мовароуннаҳрнинг биқинида мустаҳкам ўрнашиб олганди. Яъни Ўтрор, Сайрам, Туркистон унинг ҳукми остига ўтганди. Хоразмга ҳам таҳдид солиб келарди. 1394 йили Мовароуннаҳр ҳукмдори темурий султон Аҳмад вафот этади. Бобур таъбири билан айтганда «беклар иттифоқ қилиб» марҳумнинг укаси Султон Маҳмудни тахтга ўтказадилар. Унинг ҳукмронлиги ҳам узоққа бормай, 1495 йили Самарқанд тахтини ўғли Бойсунғур (1495 — 1499) эгаллайди. Мовароуннаҳрдаги вазият кескинлашган йиллар ана шу замон бўлган десак тўғри бўлади. Зеро, маҳаллийчилик авж олиб самарқандлик ва бухоролик беклар Бойсунғурни ҳисорлик бекларга ён босишда айблаб олий тахтга унинг укаси Султон Алини (1498 — 1501) ўтказиш пайига тушадилар. Мазкур қарама-қаршиликка дин пешволари ҳам аралашадилар. Вазиятнинг нечоғлик мураккаб бўлганини шундан ҳам билиб олса бўладики, ҳожа Аҳрор авлодларидан Муҳаммад Ҳожаго хожа Бойсунғурни ёқласа, хожа Йаҳё султон Али томонида эди. Бобур таъбири билан айтганда, «Ҳазрати хожа Убайдулло (Аҳрорнинг) авлодининг орасида бу сабабдин таассуф тушти. Улуғи улуғига мураббий бўлди, кичиги кичигига муқаввий». Бир сўз билан айтганда, мамлакат нафақат сиёсий, балки мафкуравий жиҳатдан ҳам иккига бўлинганди. Бошқа томондан эса Хуросон ҳукмдори султон Ҳусайннинг Ҳисор ва Қундузга интилиши кучая бошлади. 1496 йили Самарқанд тахти атрофидаги мазкур машмашалар хабари Фарғонага етиб боради. Бу ерда эса отаси ўлимидан сўнг ҳоким мақомида Заҳириддин Муҳаммад Бобур фаолият бошлаганди. Бу ҳақда унинг ўзи шундай ёзганди:» (Хабар келгач) биз ҳам Самарқанд доияси (Яъни, даъвоси — А. З.) била... ўқ черик отландуқ». Бошқача айтганда, Самарқанд тахти учун яна бир даъвогар кўпайганди.

Бойсунғурнинг акаси Султон Масъуд билан иттифоққа кирган Бобур 1497 йили Самарқандни қамал қиладилар. Бойсунғур ёрдам сўраб Туркистонга одам юбориб Муҳаммад Шайбонийни даъват қилади. Пайтдан фойдаланган Муҳаммад Шайбоний тезликда лашкар тортиб келган бўлсада, аммо сўнгги паллада Бойсунғур айниб уни қабул қилмайди. Муҳаммад Шайбоний яна орқага қайтиб кетади. Бойсунғур ҳам Самарқандни тарк қилгач, шу йили Бобур илк бор Самарқандга кириб темурийлар тахтини эгаллашга муваффақ бўлади. Аммо бу ютуқ узоққа чўзилмай, Бобур Фарғонага, ўзи йўқлигида Андижонни эгаллаб олган рақиблари билан курашиш учун жўнашга мажбур бўлади. Бир сўз билан айтганда, темурийлар хонадонида бошбошдоқлик авжига чиққан, маҳаллий беклар мавқеи ошиб, расмий сулолани тан олмай қўйгандилар. Бундай шароитда Муҳаммад Шайбоний учун Самарқандга интилиш табиий бир ҳол эди. Камолиддин Биноий, шу муносабат билан, темурийлар ўртасида қарама-қаршилик ортиб бораётганидан хабар топган Муҳаммад Шайбоний бу сулоланинг умри тез орада битишини билди, деб ёзганди. Ҳақиқатан ҳам кучга тўлиб келаётган Муҳаммад Шайбоний мўлжали тўғри бўлиб чиқди. Ўзаро чиқишмаган темурийлар 1501 йили Самарқандни Муҳаммад Шайбонийга топширишга мажбур бўладилар. Бобур Хуросон томон чекинади. 1503 йили Муҳаммад Шайбоний Амударёдан ўтиб темурийларнинг сўнггги таянчи Хуросон учун курашни бошлаб юборади. Ўзаро уюша олмаган хуросонлик темурийлар ҳам жангда енгиладилар. 1507 йили Ҳиротда Муҳаммад Шайбонийхон номидан хутба ўқилади. 1508 йили Муҳаммад Шайбоний Жом, Марв, Машҳад, Қандаҳор, Астробод каби Хуросоннинг муҳим марказларида ўз ҳукмини ўтказишга эришгач, темурийларнинг Турондаги 135 йиллик фаолиятларига нуқта қўйилади. Аввал Қобул, сўнг эса Ҳиндистон томон юзланган Бобур 1526 йили Шимолий Ҳиндистонда темурийлар ҳукмронлигини ўрнатишга муваффақ бўлади. Темурийларнинг Бобурдан тарқаган авлодлари бу қўҳна заминда расман 1858 йилга қадар даврон сурадилар.

Хуросоннинг ҳам бўйсундирилиши амалда Марказий Осиёнинг бир марказ (Самарқанд) остида бирлаштирилиши эди. XV аср давомида темурийлар рўёбга чиқаролмай келган вазифани Муҳаммад Шайбоний эплаганди. Шунинг учун ҳам темурийлар инқирозини бир томондан улардаги ноаҳиллик, сулола бошини қовуштиришга қодир етук сиёсатчининг йўқлиги билан тушунтирилса, иккинчи томондан Муҳаммад Шайбонийхоннинг ўз давридаги йирик даврат арбоби ва лашкарбоши эканлиги билан шарҳлаш лозим.

XV аср охири ва XVI аср бошларида нафақат Марказий Осиё, балки Эронда ҳам катта сиёсий ўзгаришлар юз берган. Чунончи, Ғарбий Эронда ҳокимиятга янги сиёсий куч — сафавийлар (қизилбошлар) келадилар. Ғарчи манбаларда сафавийларнинг келиб чиқиши ҳақида турлича талқинлар мавжуд бўлсада (масалан, сафавийлар сулоласи насабини араблар, курдлар, турклар билан боғлаш ҳоллари бор), аммо бир нарса фанда аниқ. Яъни, сафавийлар Кичик Осиё ва Ўрта Шарқдаги муайян бир туркий ҳарбий-сиёсий кучларга суянганлар, улар қўмагида ҳокимиятга келганлар, улар ёрдамида давлатни бошқарганлар. Уларни қизилбош дейилишига сабаб бош кийимларининг қизил рангда бўлганлигидандир. Зеро, Кичик осиёлик туркий қавмларнинг XIII-XIV асрлардаёқ қизил кулоҳ кийиб юрганликлари маълум.

Шундай қилиб собиқ темурийлар салтанати барбод бўлиши билан XVI асрда Турон ва Эронда — икки янги сиёсий куч — шайбонийлар ва сафавийлар (қизилбошлар) фаолият кўрсата бошлайдилар. Бошқача айтганда, уларнинг ўзаро тўқнаш келишлари муқаррар эди. Зеро, ҳар икковлари ҳам бир-бирлари томон ҳаракатда жадал эдилар. 1510 йили Марв атрофига Муҳаммад Шайбонийхон ва сафавийлар сардори Исмоил (1502-1524) ўртасида жанг юз бериб, ҳарбий тактикавий усталик йўли билан Исмоил шайбонийлар қўшинини мағлубиятга учратади. Муҳаммад Шайбонийхон ҳам шу жангда ҳалок бўлади. Исмоил буйруғига кўра, унинг калласи олиниб пўсти шилинади, пўсти ичи сомон билан тўлдирилиб сафавийларнинг ғарбдаги душманлари бўлмиш усмонлилар ҳукмдори Султон Бойазид II (1481-1512) ҳузурига жўнатилади. Бу билан Исмоил усмонли ҳукмдорга ўз қудратини кўрсатиб қўйиб қолмоқчи бўлгани аниқ. Муҳаммад Шайбонийхон бош чаноғига келсак, уни олтин билан қоплатиб, Исмоил базми жамшидларда унга май қуйиб қадаҳ ўрнида фойдаланган.

Муҳаммад Шайбонийхон ўлимидан сўнг тахтга Кучкунчихон (1510-1530), яъни, марҳумнинг амакиси чиқади. Ғарчи у расман йигирма йил мамлакатни бошқарган бўлса-да, аммо сулола ичида мавжуд баъзи бир қарама-қаршиликлар сабаб шайбонийлар Муҳаммад Шайбонийхон замонидек қатъий ички ва ташқи сиёсат юргиза олмаганлар. Натижада дастлабки йилларда (1511-1512) шайбонийлараро зиддиятдан фойдаланган ҳолда ҳамда сафавийлар қўмагида суяниб Бобур Самарқанд тахти учун курашни давом эттириш имконига эга бўлади. Бобур хавфини қайтаришда Муҳаммад Шайбонийнинг жияни Убайдулла султон жонбозлик кўрсатади. Умуман олганда, худди мана шу султон олий тахтга ўтиргунга қадар шайбонийлар на ички, на ташқи сиёсатда эътиборга молик тадбирлар амалга оширмаганлар. 1530-1533 йилларда Кучкунчихон ўғли Абу Саъид ҳукмронлигидан сўнг ниҳоят олий ҳокимиятга Убайдулла келади. Шунда ҳам осонлик билан эмас. Чунончи, пойтахт Самарқандда ўрнашиб олган Кучкунчихон авлодлари унинг шаҳарга кириб, расм бўйича тахтга чиқишига тўсқинлик қилганликлари сабаб Убайдулла Бухорода олий ҳукмдор деб эълон қилинади. Демак, пойтахт ҳам ўша ёққа кўчади. Ғайратли ва уддабурон Убайдуллахон (1533-1539) мамлакат ички ҳаётида тартиб ўрнатишга ва айниқса Хуросонда шайбонийлар мавқеини мустаҳкамлашда кўп тадбирларни амалга оширади. Сафавийлар билан тенгматенг рақобатлашди. Убайдуллахоннинг ўлимидан кейинги йиллар яна бир бор шуни исботладики, якка ҳукмдорлик тузумида жамият ва давлат тақдири кўп ҳолларда олий ҳукмдор шахсига боғлиқ бўлиб қолади. Яъни, агар у уддабурон, ақлли, шижоатли, узоқни кўра биладиган етук сиёсатчи бўлса, унинг ҳам, сулоласининг ҳам ва албатта жамиятнинг ҳам иши юришади. Акс ҳолда вақт ички низолар, ташқи тажовузлар мавжудлиги билан ўтиб, давлат ва жамият заифлашиб бораверади. Убайдуллахондан сўнг ҳам шундай бўлди. Абдуллахон I нинг қисқа ҳукмронлигидан (1539-1540) сўнг икки ҳокимиятчилик юзага келади. Бухорода Убайдуллахон ўғли Абдулазиз (1540-1550), Самарқандда эса Кучкунчихон ўғли Абдуллатиф (1540-1551) ҳукмфармо эдилар. Аввалари ҳам кўрганимиздек сиёсат бўшашган замонларда дин пешволари роли ошиб борганидек, мазкур йилларда ҳам мамлакатда йирик дин пешволаридан ҳисобланмиш, жўйборий хожаларидан Муҳаммад Ислом (вафоти 1563 йил) фаолияти тобора кўзга ташланиб боради. Ўткир тафаккурли хожа Ислом бошданоқ ёш шайбонийзодалардан бўлмиш, аммо ниҳоятда абжир ва уддабурон Абдулла султонни қўллаб-қувватлай бошлайди. Худди шундай ҳислатларга эга сиёсатчидангина жамиятга ҳам, давлатга ҳам ва албатта динга наф кўп тегишини у яхши билган. Абдуллахон II (1583-1598) амалий ҳокимиятни қўлга 1556 йил охирларида киритгунга қадар Самарқанд ва Бухорода ҳукмдорлар бир маротаба ўзгаришга улгуради: Наврўз Аҳмадхон (1551-1556) ва Бурхонхон (1550-1556). Шу йили олий ҳукмдор сифатида расман Абдуллахон II нинг амакиси Пир Муҳаммадхон (1557-1561), 1561 йили эса, отаси Искандархон (1561-1583) эълон қилинган бўлса-да, аммо таъкидланганидек амалдаги сиёсат тизгини Абдуллахон II ихтиёрида эди. Расмий хон сифатида эса у фақат 1583 йили, яъни отаси ўлимидан сўнг олий тахтга чиқади.

Абдуллахон II сўнгги йигирма йил давомида сиёсий бошбошдоқлик натижасида парчаланган мамлакат ва минтақани бирлаштиришни бош мақсад қилиб бу йўлда кўп ва муваффақиятли, шу билан бирга машаққатли ҳаракатларни амалга оширган буюк давлат арбобидир. Самарқанд, Шаҳрисабз, Тошкент, Фарғона, Хоразм, Термиз каби ички мулкларни пойтахт Бухоро атрофида бирлаштириш йўлида у кўплаб ҳарбий-сиёсий тадбирларни рўёбга чиқарган. Бу сиёсатнинг мураккаблиги нечоғлик бўлганини шундан ҳам кўриш бўладики, 1578 йили, яъни фаол сиёсат юргиза бошлаганидан йигирма йил ўтгандан кейин ҳам, Самарқанд дахлсизлиги ва унинг пойтахт ихтиёрида сақлаб қолишдек юмушни бажаришга мажбур бўлган. Бўлмаса Хоразмни марказий ҳокимият доирасига киритиш учун уч маротаба урингани ва ахийри мақсадга 1596 йили, ўлимидан икки йил бурунгина эришганини олайлик. Хуллас мамлакат сиёсий яхлитлигига эришиш осон кечмаган.

Абдуллахон II Амир Темурдан сўнг Дашти қипчоққа нисбатан қатъий сиёсат юргиза олган ягона ва сўнгги давлат арбоби ҳисобланди. Чунончи, 1582 йили мазкур йўналишда Бухоро ҳокимиятини тиклаш ниятида ҳарбий юриш уюштириб Улуғтоккача боради (ҳозирги Қарағанда вилоятининг ғарбида, Сариқсув дарёсининг шимолида жойлашган тоғлик). Манбаларда шу муносабат билан қизиқ маълумот бор. Абдуллахон II Улуғтоққа етиб боргач, тоғ тепасидаги бир минорада битилган қўйидаги сўзларга кўзи тушади: «Тарих етти юз тўқсон учинда, қўй йили, ёзнинг ора ойи, Туроннинг султони Темурбек икки юз минг черик била Тўхтамишхон юртига интиқом учун юрди. Бу ерга етиб, белги бўлсун деб бу минорани қурдирди. Тангри нусрат бергай иншооллоҳ. Тангри эл кишига раҳмат қилгай. Бизни дуо била ёд қилгай». Мазкур битиклар 1391 йили Амир Темур Тўхтамишхонга қарши лашкар тортган кези шу тоғ устига чиқиб, сўнг бу ерда бир минора қурдириб унга ёздирган хотира сўзлари эди. Абдуллахон II буюк соҳибқирон ҳаққига дуолар ўқиттириб, ўзи ҳам қарши томонда бир минора қуришга буйруқ беради. Ва унга «Кимки бу манзилга қадам қўйса, хайрли дуо ила бизни ёд айласин» сўзларини ўйдиритиради. Мазкур гувоҳликлар Абдуллахон II нинг Амир Темур даври Турон-замин шуҳрати ва қудратини тиклаш нияти нечоғлик баланд бўлганидан далолатдир, албатта. Фикримиз исботи сифатида Абдуллахон II 1563 йилиёқ шайбоний Кучумхонга лашкар бериб унинг Сибирь хонлигида ҳокимиятга келишида қўллаб-қувватланганлиги ҳамда Сибирь хонлигининг Бухоро билан яқиндан сиёсий-иқтисодий ва диний алоқаларда бўлганини келтириш мумкин. Агар биз Абдуллахон II нинг 80-йилларда Хуросонда айниқса унинг марказлари Ҳирот, Машҳадда, 90-йилларда эса Сейистон, Гармсир ва то Ҳилманд дарёсигача бўлган ерларда ўз ҳокимиятини ўрнатганини, Қандаҳорни қамал қилганини назарда тутсак, у ҳолда биз Абдуллахон II даврида Улуғтоғдан Ҳилманд дарёсигача, Сибирь хонлигидан Машҳадгача бўлган улкан ҳудуд (Турон, Марказий Осиё) яна бир бор марказий ҳокимият Бухоро остида бирлашганининг гувоҳи бўламиз. Бундай натижага Амир Темурдан сўнг Абдуллахон II эришди, холос.

Абдуллахон II 1598 йили олтмиш беш ёшида вафот этади. Умрининг сўнгги йилларида у ўғли ва валиаҳди Абдулмўмин (туғилган йили 1568) билан бир оз қарама-қаршиликда бўлгани маълум. Аниқроғи, манбаларда берилган таърифга кўра шайбонийлар орасида шижоат, мардлик ва художўйликда беназир Абдулмўмин отасидан олий тахтни талаб қила бошлайди. Юқорида айтилган ҳолат, Искандархон расман олий ҳукмдор бўлса-да, аммо амалий ишни Абдуллахон II нинг ўзи бажарганидек, Абдулмўмин ҳам отасидан бобоси мақомида туришни даъво қила бошлаган. Табиий равишда Абуллахон II бунга кўнмаган. Валиаҳд сифатида Бухородан кейинги катта мулк — Балхни бошқарган, Хуросон юришларида жонбозлик кўрсатган Абдулмўмин ҳам ниятидан қайтмай, олий тахт учун очиқчасига бўлмаса ҳам, ҳар ҳолда кўп уринган. Лекин тез орада отасининг куни битиб, 1598 йили у расман ва қонунан Бухорога кириб боради.

Абдулмўмин ўз мавқеини мустаҳкамлаш йўлида, тахтга даъвогарлик йилларида отаси томон бўлган баъзи бир амирларни қатл эттиради. Бу билан чекланмай, ҳатто шайбоний шаҳзодаларни ҳам аямайди. Сўнг эса салтанат ишларига кириши аввал шу йили Тошкентда юз берган шайбоний султонлар исёнини бостиради. Кейин Хуросонда шайбонийлар мавқеини янада мустаҳкамлаш ниятида йўлга чиқади. Ўша давр тарихчиларининг гувоҳлик беришларича, Абдулмўмин қизиққон, чўрткесар шахс бўлиб, отаси даврида ҳузур- ҳаловат ва тақвога ўрганиб қолган бухоролик бир қатор беклларнинг пайига тушган. Улар буни сезиб мазкур Хуросон юришига йўлга чиққан, Ўратепа ва Зомин оралиғига етиб борган Абдулмўминга қарши суиқасд уюштириб уни ўлдирадилар. Тахтга сўнгги шайбоний ҳукмдор Пирмуҳаммадхон чиқади. Орадан икки йилча вақт ўтиб — 1601 йили Самарқанд ҳокими Боқи Муҳаммад билан курашда енгилган Пирмуҳаммадхон тақдири билан бирга умуман шайбонийлар сулоласи тақдири ҳал бўлади. Зеро, Боқи Муҳаммад бошқа бир сулола — Аштархонийлар намояндаси эди. Демак, 1601 йили ўлкамиз сиёсий ҳаётига янги сулола — Аштархонийлар кириб келадилар.

Шайбонийлар даври давлат бошқаруви масаласига тўхталиб ўтсак. Шайбонийлар замони давлат бошқарув тизими ҳақида сўз кетганда темурийлар ва айниқса, чингизийлар босқинидан аввалги замонлардаги давлат идораларидаги тақсимотда мавжуд бўлган аниқ кўринишлар каби фикр юритиш қийинроқ. Бунинг бош сабаби, бир томондан, кўрилаётган давр тарихий ва бошқа турдаги манбаларининг кам ўрганилганида бўлса, иккинчи томондан кўчманчи, ярим кўчманчи турмуш тарзи анъаналари мустаҳкам Жўчи улусидаги ижтимоий-сиёсий муносабатларнинг шайбонийлар даврида сақланиб қолганлигидадир. Аниқроғи айтганда, шайбонийларнинг Дашти қипчоқдан Мовароуннаҳрга кириб келишлари билан мазкур биринчи маконда мавжуд айрим анъаналарнинг ҳам Туркистон марказига тарқалиши учун шароит туғилганди. Худди шу сабаб ҳам сомонийлар, қорахонийлар, ғазнавийлар, салжуқийлар, хоразмшоҳлар (ануштегинийлар), темурийлар даврида мавжуд бўлган давлат бошқарув тақсимоти шайбонийлар замонига келиб консерватив йўналишда ривож топа бошлади. Яъни, даргоҳ ва унинг атрофидаги хизматлар мавқеи кучайиб бориб, ижроия ҳокимиятидаги девонлар тизими фаолияти чегараланиб қолган. Албатта, буларнинг бари муайян бир жараён давомида содир бўлгани шубҳасиз.

Шундай қилиб, шайбонийлар ҳукмронликлари йилларида ҳам энг олий давлат идораси даргоҳ ҳисобланган. Унинг тепасида табиий равишда олий ҳукмдор — хон турган. Олий ҳукмдорлик отадан болага эмас, балки сулоладаги энг улуғ ёшдаги намоянда ўтиши тартиби дастлабки шайбонийлар даврида сақланган бўлса-да, аммо юқорида кўрганимиздек асосан қирқинчи йиллардан бошлаб сулола ичидаги оилавий анъана устун чиқа бошлаган. Абдуллахон II даврига келиб эса бу ҳолат аниқ бир шаклга тушган (биз бу ерда расмий ҳокимиятни Искандархондан ўғли Абдуллахонга ва Абдуллахондан ўғли Абдулмўминга ўтганини назарда тутмоқдамиз). Шунга қарамай шайбонийлар сулоласидаги давомийлик масаласи сўнгги пайтгача муайян шаклга эга бўла олмади. Чунончи, Абдулмўминдан сўнг тахт шайбонийлардан бирига ўтди. Тахт вориси наввоб, қўғулхоний, кичик хон деб аталганлигини ҳам эслатиб ўтмоқчимиз. Абдуллахон II замонида валиаҳдга Балх вилояти ҳокимлиги топшириш анъанаси ҳам шакланиб борган бўлса-да, аммо шайбонийлар фаолиятига тез орада чек қўйилиши сабаб мазкур анъана ривож тополмай қолган (бундай расм кейинги сулола Аштархонийлар даврида кўпроқ жорий бўлган.).

Даргоҳдаги хондан кейинги муҳим давлат вазифаси нақиб ҳисобланган. Таржимада сардор, бошлиқ, етакчи маъносини берувчи нақиблик мансаби амалда анча кенг мазмун ва ваколатга эга бўлган. Нақиб хоннинг энг яқин ва ишончли кишиларидан ҳисобланган. Расмий қабул маросимларида унинг олий ҳукмдордан чап томонда биринчи бўлиб жой олиши унинг даргоҳда тутган юксак мақомидан далолатдир. Хон фармон, ёрлиқларида ҳам нақиб номи биринчи бўлиб зикр этилган. Давлатнинг ички ва ташқи сиёсати ҳамда ҳарбий масалаларда олий ҳукмдорнинг биринчи маслаҳатчиси сифатида қаралган. Масалан, 1570 йили Бухорода яна бир бор ўз ҳокимиятини тикларкан, бухороликлар томонидан ўртага солинган машҳур Қосимшайх Азизон (вафоти 1578 йил) билан музокарага Абдуллахон II ўз нақибини юборади. Ҳарбий юришни уюштириш, давом эттириш, душман ҳарбий имкониятларини ўрганиш юмушларини ҳам хон нақибга ишонган, унинг маслаҳати билан қарор қабул қилган. Шунингдек, нақибларга масъулиятли элчилик вазифалари ҳам юклатилгани маълум. Нақибликнинг муҳим жиҳатларидан яна бири шундаки, бу лавозимга асосан пайғамбар авлодлари ҳисобланмиш саййидлар хонадонига мансуб кишилар тайинланган. Афтидан бу билан сиёсат ва мафкура жиловини даргоҳ

1
2
3
4

Боқий шажара

ШАЙБОНИЙЛАР

(Йигирма биринчи мақола)

доирасида тутиб туриш, мафкуравий ҳаёт тизгинини бутунлай тариқатлар ихтиёрида мужассамлашишининг олдини олиш мўлжал қилинган бўлса керак.

Давлат аҳамиятига молик мансаблардан яна бири оталиқдир. Номидан ҳам кўриниб турилганидек, оталиқ қилмоқ, отасини ўрнини босмоқ мазмунини берувчи мазкур хизмат марказий ҳокимиятнинг жойлардаги, яъни вилоят-мулклардаги сиёсатини белгилашда катта аҳамият касб этган. Зеро, олий ҳукмдор мамлакат қисмлари — вилоятларни сулола намояндалари — шаҳзодаларо тақсимлаб берар экан, уларга оталиқ, яъни ўз назоратчисини, ишонган шахсини тайинлаган. Айниқса, балоғат ёшига етмаган шаҳзодалар вилоятларга тайинланган ҳолларда, улар то улғайиб мустақил фаолият кўрсатиш даражасига етгунларига қадар, асосий юк ҳудди мана шу оталиқлар бўйнига тушган. Демак, бундай ҳолларда амалда оталиқлар бутун бир вилоят тақдирини, унинг марказ билан муносабатлари қандай бўлишини ҳал этиб келганлар. Демак, оталиқнинг асосий вазифаси жойлар-вилоятлар билан боғлиқ бўлган. Шунинг учун ҳам, фикримизча, уларнинг марказдаги амалий фаолиятлари билан боғлиқ жиҳатларни ўрганиш бундан бўён катта қизиқиш уйғотади.

Олий ҳукмдор чиқарган ҳукмлар, ёрлиқлар ва бошқа расмий ҳужжатларни ўз эгалари, маъсуллларига, ижрочиларига етказиш тадбирларига парвоначи жавобгар бўлган. Уруш пайтларида эса ҳарбий етакчилик вазифалари билан ҳам шуғулланган.

Даргоҳга тушган арзларни қабул қилиш, жавобини бериш ҳамда мамлакатдаги ижтимоий адолат тартибларига риоя қилинишининг назорати каби юмушларга додхоҳ мутасадди эди. Шунингдек, у элчиларни қабул қилиш, элчилик юмушларини ташкил этиш ва ҳатто шахсан элчи сифатида бошқа мамлакатларга бориб келиш каби тадбирларни ҳам амалга оширгани маълум.

Даргоҳдаги яна бир муҳим лавозимлардан бири бу кўкалдош (асл шакли кўнгилдош) ҳисобланади. Мазмунидан ҳам кўриниб турганидек, олий ҳукмдорга ва расмий сулолага энг яқин кишилардан. Одатда кўкалдошнинг ижтимоий моҳиятини расмий сулоланинг бирон вакили билан бир онани эмганлик билан тушунтирилади, яъни кўкракдош. Демак, кўкалдош даргоҳининг энг ишончли кишиларидан ҳисобланиб, унга топшириладиган вазифалар ҳам шу қадар нозик ва масъулиятли бўлган. Бир сўз билан айтганда, мазкур мақом вазифаси мамлакатда олий ҳукмдор олиб бораётган сиёсат даҳлсизлиги, унга кишиларнинг муносабатлари, уларнинг назорати билан боғлиқ юмушлардан иборат эди. Масалан, юқорида келтирилган Абдуллахон II ва Абдулмўмин ўртасидаги қарама-қаршиликни бартараф этишда, Абдулмўмин ҳаракатлари ва мақсадларини олдиндан билиб хонга тўғри маълумот беришда асосий ўринни Кулбобо кўкалдош тутгани маълум. Худди шунинг учун ҳам Абдулмўмин тахтга чиққандан сўнг дастлаб қилган ишларидан бири Қулбобо кўкалдошдан қутилиш бўлган (уни қатл эттирган).

Сулола ички муносабатларига оид тадбирлар, чунончи олий ҳукмдор билан шаҳзодалар ўртасидаги алоқаларни тегишли тартиб асосида йўлга қўйиш ишини хон ясовули олиб борган. Чунончи, шаҳзодаларни хон томонидан қабул қилиш, уларнинг пешкашлари, арзлари, илтимосларини етказиш каби тадбирлар шулар жумласидандир.

Даргоҳдаги хавфсизлик, тартиб, келди-кетдидан хабардорлик каби тадбирлар эшикоғоби бошлиқ хизмат бўйнида бўлган. Чап эшикоғоси, ўнг эшикоғоси, эшикоғоси каби ички тақсимотлари бўлган бу хизмат вакиллари уруш пайтларида олий ҳукмдорнинг энг муҳим ҳарбий топшириқларини ҳам бажариб борганлар.

Умуман олганда, ўша замонларга хос равишда давлатнинг бирон бир идораси, хизмат тури намояндалари уруш пайтларида ўзларининг тўғридан-тўғри вазифаларига қўшимча равишда ҳарбий фаолият билан ҳам шуғулланиб келганлар. Буни биз мироҳур (олий ҳукмдорга тегишли йидқи, от-улов, уларнинг таъминоти кабиларга маъсул), шиговул (чет эл элчиларини қабул қилиш бўйича махсус хизмат бошлиғи), қушбеги (подшохона ов тадбирларини уюштирувчи), чуҳрабоши (махсус ҳарбий қисм бошлиғи), баковулбоши, дастурхончи каби хизматлар фоалияти орқали ҳам кўришимиз мумкин.

Даргоҳ билан боғлиқ бошқа бир қатор хизматлар ҳам бўлгани аниқ: кўрчибоши (қурол-аслаҳа хизмати бошлиғи), унинг амалдорларидан бўлмиш жибочи: жарчи, тавочи, қоровулбеги, туғбеги, китобдор, мирзабоши, мунши, мухрдор, хазиначи, меҳтар ва ҳоказо.

Даргоҳ фаолиятида катта мавқега эга бўлган лавозимлардан бири шайхулислом бўлиб, давлат ва жамиятдаги мафкуравий ҳаётда унинг ўрни фавқулодда эди, десак хато бўлмайди. Юқорида айтилган маълумот: Абдуллахон II ни тахт учун курашда қўллаб-қувватлаган хожа Ислом ҳам ана шундай юксак мақомда бўлганини эслаш кифоя. Дин пешволари ва муассасалари нафақат ижтимоий ҳаётда, балки иқтисодий муносабатларда ҳам ўз мавқеларини йўқотмаганлар. Шу сабабдан ҳам вақф мулклари билан шуғулланувчи махсус хизматлар жорий этилган бўлиб, уларни мамлакат миқёсида бош садр, жойларда эса садрлар бошқарганлар.

Суд ишларига келинганда, жамият миқёсидаги тизимга бош қози етакчилик қилган бўлса, ҳарбийлар ҳаётида юз берадиган ҳуқуқий масалаларни аскар қозиси ҳал қилиб борган. Шу билан бирга ҳарбий қози ҳам, маҳаллий қозилар ҳам бош қозига бўйсунганлар. Мамлакатдаги аҳлоқий нормаларга риоя қилиш, айниқса амалдорлар, ҳатто дин пешволари орасида шу масалага муносабат нечоғлигини билиб бориш иши билан шуғулланган.

Шайбонийлар давридаги девонлар тизими ҳақида фикр юритиш бир оз мушкулроқ. Зеро, X-XII аср ва темурийлар даврида бу борада тақсимот анча яққол кузга ташланган бўлса, XVI асрдан бошлаб юқорида ишора қилинганидек, ижроия тизими кўпроқ даргоҳдаги турли хизматларда мужассамлаша борган. Чунончи, илгариги замонларда кўрганимиз давлат назорати хизмати (девони мушриф) эндиликда тўғридан тўғри дарго

СПОРТ

ЧЕМПИОНАТ БАЙРОҒИ КЎТАРИЛДИ

Мамлакат футбол миллий чемпионатининг очилиши ўзига хос байрамга айланди. Юртимизнинг саккиз шаҳрида дастлабки учрашувлар бўлиб ўтди. Қизиқарли ўйинлардан бири Тошкентдаги армиячилар ўйингоҳида бўлди. Пахтакорчилар билан Самарқанд динамочилари учрашдилар. Танаффусгача томонлар синовчан ҳаракат қилишди. Ўйиннинг иккинчи яримидан бошлаб эса ҳужумкорликка зўр берилди. Меҳмонларнинг хатоси билан 11 метрли жарима тўпи белгиланди. Афсуски, Шуҳрат Мақсудов бундай имкониятни бой берди. 60-дақиқада Дилмурод Назаров ҳисобни очди. 67-минутда Рустам Бозоров ғалабани мустаҳкамлади. 72-минутда Ҳамза Жабборов жавоб тўпини (2:1) киритди.

Қолган учрашувлар қуйидагича якунланди: «Атласчи» — «Нефтчи» — 3:4, «Нурафшон» — «Машъал» — 1:0, «Динамо» (У) — МҲСК — 1:4, «Косонсой» — «Навроз» — 0:1, «Навбаҳор» — «Трактор» — 1:0, АСК — «Сўғдиёна» — 0:2, «Дўстлик» — «Янгиер» — 2:1.

СУРАТЛАРДА: футбол мавсумининг очилишидан лавҳалар.

Суратқаш: Муҳаммад АМИН.

УН ва ДОН

ишлаб чиқариш билан машғул бўлган фабрикалар диққатига:

* Мини лаборатор тегирмонлар;
* Ун ва дон маҳсулотлари;
намлигини аниқловчи жиҳозлар;
* Ун тегирмонлари учун вальцлар;
— БЗН (1000x250)
— БВ (1000x250)
— БВ (800x250)
* Полипропилен қоплар (50-15 кг сиғимли)

СОТИЛАДИ



FIRMA DEMIR

Манзил: Тошкент шаҳри, Правда Востока кўчаси, 26

Тел: 33-06-00, 33-81-48, 56-07-59, 56-12-98, 56-57-04, 41-87-73, 30-76-31, 30-40-42.

Бош муҳаррир Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ,
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ,
Азамат ЗИЁ,
Азиз НОСИРОВ,
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб),
Аслиддин БОЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари),
Ислом ШОҒУЛОМОВ,
Норбобо ШАКАРОВ,
Одилжон ОЛИМЖОНОВ,
Салим АШУРОВ,
Хайрулла ЖЎРАЕВ,
Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-20-36, 36-54-35.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 36-26-70, 36-57-19.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04, 36-54-06.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-47-80, 33-12-16.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55,
факс — 33-79-14.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 5-27-11;
Бухорода — 3-54-87;
Гулистонда — 2-26-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-75-43;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-22-90;
Тошкентда — 33-12-56;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 22-36-78;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:

700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир Ҳ. ИКРОМОВ, навбатчи А. ҲАЙДАРОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120

Газета офсет усулида А—2 форматида 31847 нусхада босилди

Ҳажми 2 босма табоқ

Г — 0183

Босишга топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 22. 00.
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

Кўнгилдан кўчирмалар

ҚУШЛАРГА ХАЛАҚИТ БЕРОЛМАЙСИЗ

Сир ҳам катта бойлик, катта хазина. Сири йўқ одамлар дунёдаги энг ғариб кишилардир. Бировдан яширадиган, қизғанадиган гапингиз, туйғунгиз бўлмаса ҳам ёмон-да!

***

Баҳор шунчалик яхшики, унинг чиройи ҳатто одамга халақит беради. Маҳлиё бўлиб вақтларимни бебарака ўтказиб юборганимни сезмай қоламан.

***

Қушларга ҳавасим келади. Чунки уларга ҳеч ким халақит беролмайди.

***

Унинг ўзи арзимаган нарсалар учун кўз ёш тўкиб, оҳ-воҳ қилиб юрадию, бошқаларга нуқул «ношукр бўлманг!» деб насиҳат қилади. Кўз ёшга ишониш керакми ё насиҳатгами?

***

Бўш вақтларим кўпинча чарчаган ёки бетоб бўлган пайтимга тўғри келиб қолаётгани табиий ҳодисамикан ёки тасодифмикин!

***

Сиз қанча ерга урсангиз — мен шунча баландроққа сапчийман. Шуни ўзингиз сезасизми!

***

Яхши кўрган одамларингни тушингда кўрсанг ҳам қушдек енгил бўлиб уйғонасан. Меҳрнинг кучини шундан ҳам сезиш мумкин.

Замира ЭГАМБЕРДИЕВА.

«ХЎЖАЛИК МОЛЛАРИ»

Республика акционерлик бирлашмаси

Давлат солиқ қўмиталарида рўйхатга олиш муддати 1996 йилнинг 1 майига қадар узайтирилган, чет элда ишлаб чиқарилган

«РОЙАЛ» назорат-касса машиналарини

хўжалик шаклидан қатъи назар, чакана савдо корхоналарига савдо учун

тақдим этади.

Битта НКМнинг нархи — 230 АҚШ доллари, сотилаётган кундаги курс қийматида, Ўзбекистон Республикаси сўмларида.

Ҳақ тўлаш шакли-нақд ёки пул ўтказиш йўли билан.

Манзилимиз: 700091, Тошкент ш., «Янги-обод» даҳаси, «Толариқ» кўчаси, 24.
Телефонлар: 97-09-91, 96-73-20, 98-37-90.
Факс: 97-34-85.
Автобуслар: 23, 26, 30, 61, 119. «Янгиобод» шоҳбекати.

ТЕЛЕОЙНА

ЧАҚМОҚ ҲАМ ЁНАР ЭКАН...

Ўн йиллар аввал бир қаламкаш дўстимизнинг «Чақмоқ дафтари»дан туташтирилган парча «чўғ»ларни газетда қизиқиб ўқирдик. Бу дафтарнинг ёзувлари айрим тўраларга ҳеч ёқмасди. Кейинчалик у ёзмай қўйди. Кечаги ҳафта эса...

Ойнаи жаҳонда чақмоқ ёнди (аслида чақади-да). Бутунлай янгича муносабат ва ҳақиқий журналистик таҳлил билан тайёрланган «Чақмоқ» кўрсатувини кўргач, кўнглимизда шундай кайфият уйғонди. Энг аввало халқ дарди, мамлакат манфаати устун қўйилган масалага холисона ёндашиш «Чақмоқ»нинг кучини, таъсирини оширган. Энг муҳими, журналист эркин мулоҳаза юритган. Умидимиз, Ўзбекистон телевидениесида ана шундай «Чақмоқ»лар яна кўпайсин.

Қўлимизда бир даста хатлар ва телефон орқали айтилган мулоҳазалар. Турли хил ёзув ва турли хил муносабатларни кузатайлик-чи:

Абдуғани БЕКМУРОДОВ, Тошкент шаҳри:

— Мен ўзим кўпроқ қизиқиб кузатадиган, шунингдек, телевидениемизнинг биринчи дастуридаги энг оммабоп кўрсатувларидан бири «Ассалом, Ўзбекистон» ҳақида гапирмоқчиман. Мени бир савол қийнайди: аввало бу кўрсатув ўз номини оқлаяптими? Назаримда эндиги эскирган суҳбат мавзусидан камроқ фойдаланиш керак. Чунки бу тонгги дастурку ахир! Кўнгил тўлиб уйдан чиқиш керак. Бизда вақтни, кунни ажратиб бўлмайди.

Дамин ЎСАРОВ, Самарқанд вилояти:

«Адашлар»ни жуда топишяпти-да. Зерикмайсиз. Айниқса ўзликка, миллийликка чорлаётгани яхши. «Ўхшаш чеҳралар»га ижодийроқ ёндашиш керакка ўхшайди. Яна бир томони, ойда бир ё икки марта берилса маъқулроқ.

М. АҲМЕДОВА, ҳамшира:

— Экранда айтилаётган ҳар бир сўзнинг масъулиятини ўйлаш керак. Оддий мисол: 18 апрель куни эрталаб берилган «Шаҳарой» телеочеркида мантиқсиз жумлалар ўқилди. Шаҳарой Элмуродова туман газетасида ишлаганлиги ҳақида «у икки йил фарзандлик бурчини бажарди» дейилди. Гўё фарзандлик бурчи фақат ота касбида ишлашдан иборат эмиш. Қани бунда мантиқ?

Очил ХУДОЙБЕРДИЕВ, Сурхондарё вилояти:

— Такрор берилаётган кўрсатувларни агар намойиш қилиш лозим бўлса танлаб кўрсатиш керак. «Сирли сандиқ»дан шахсан кўнглим тўлмаяпти. Билимдонлик ўйинига эмас, ҳарфлар ўйинига айланиб кетяпти бу кўрсатув. Мусиқий қисмида кўпинча бир хил оҳанг такрорланяпти. Тўғри, бошловчи Раҳимбой Жуманиёзов анча саводли ва ёқимли овоз соҳиби. У энди ўз услубини ўзгартирса.

Хусан ЭРМАТОВ, журналист:

— Аввалги ҳафта санъат усталари концертини кўриб, ўйлаб қолдим. Ўзи ҳар хил баҳс, мунозаралар шаклида тайёрланган кўрсатувларда бугунги миллий санъатимизга кириб келаётган чет эл мусиқалари ва оҳанглари ҳақида қуйиниб айтилаётган ўнта гапдан битта шундай жонли кўрсатув самарали экан. Шунингдек, яхши концертлар, олам ва одам, Ватан ҳақидаги қизиқарли кўрсатувлар вақтлироқ намойиш этилса.

Улуғбек ХОНҚУЛОВ, Талабалар шаҳарчаси «Ёшлик» ҳокимияти ходими:

— Менинг болаларга жуда ҳавасим келяпти. Чунки телевизорда ҳар ҳафта уларбоп яхши ва мазмунли кўрсатувлар бериляпти. Бундан қувониш керак. Бироқ телевидениедагилар талабаларни эсдан чиқариб қўйишди. Ёшлар учун дам олиш кўрсатувлари камайиб кетди.

Абдурасул ЁНДОШЕВ:

— Алло, «Телеойна»ми, Тошкентга зўрга «тушдим». Мен бир оддий деҳқонман. Ўзимизнинг телекўрсатувларни гоҳо кўриб тураман. Лекин ўтган чоршанба куни берилган «Чақмоқ»қа қойилман. Берса бўлар экан-ку! Ишондим — чақмоқ ҳам ёнар экан...

«Телеойна»ни Норқобил ЖАЛИЛ кузатди.

ЭСЛАТМА: Қадрли телетомошабинлар! Ўз фикр-мулоҳазаларингизни қисқа, аниқ ва лўнда ёзинг. Хат йўллаганда «Телеойна»га деб қўйишни унутманг. Ёки энг осон йўли — 33-07-20 телефонига қўнғироқ қилинг.

«АКАТЭКС ТЕКСТИЛЬ САНОАТ ВА ТИЖОРАТ ЛТД»

қўшма корхонаси

тегирмон вальцларини ва 50 кг., 15 кг. ун қопларини

СОТАДИ.

Тўлов шакли пул ўтказиш, нақд ва векселлар бўйича.

Телефонлар:
67-77-41, 67-23-74

"ЭКОГЕОТ" фирмаси

пул ўтказиш йўли билан

Финляндиянинг **ВЕ-95** ва Қозоғистоннинг **А-76 ЮҚОРИ СИФАТЛИ БЕНЗИНИНИ** сотади, ёнилғини сақлаш ва қуйиш хизматларини ҳам кўрсатади.

Шунингдек, юк ва енгил автомобиллари учун кенг турдаги **АВТОШИНАЛАР ВА АККУМУЛЯТОРЛАР** мавжуд.

Шошилинг, нархлар 10-20 фоиз арзон!

Хусусий АЁҚШларини ҳамкорликка таклиф этамиз.

Манзил:
Тошкент, Пушкин кўчаси, 59.
"Средазцветмет" институти, 1-қават,
"Ҳамид Олимжон" метро бекати.

Телефонлар:
(3712) 68-56-41, 68-16-41 (соат 8.30дан 18.00гача)
36-00-45 (соат 8.30дан 18.00 гача)

СОХТА ДИПЛОМЛАР ПАНД БЕРДИ

Урта мактабни тугатган Умурзоқ Қаландаров бирор касб-корнинг баридан тутмади. Аммо, йўли топилар, деган илинжда юраверди. Буни қарангки, муъжиза юз берди. 1991 йилнинг сентябрь ойида Тошкентда айланиб юрганида орзуси ушалди-қолди. Умурзоқ 1000 сумга дипломли бўлди. Энди ишга жойлашса бас.

Йигит ўзида йўқ хурсанд. Иш сураб Пешку туман солиқ инспекцияси бошлиғи И. Очилов хонасига кириб келди. У бошлиққа сохта диплом нусхасини кўрсатди.

— Бирор вазифа берсангиз?

Бошлиқ дипломни суриштирмай, рози бўла қолди:

— Бугундан бошлаб бизда назоратчи бўлиб ишлайсиз.

Умурзоқнинг омади чопди. Қарийб бир ярим йил назоратчиликнинг нонини еди. Аммо бир кунмас-бир кун сири ошкор бўлишидан қўрқарди. Шундай ҳам бўлди. Туман прокуратураси ходимлари сохта дипломли солиқчининг фаолиятини ўрганишга жазм қилишди.

Текшир-текшир авж олди. Яна икки кишининг пайтавасига қурт тушди. Инспекцияда жисмоний шахсларни солиққа тортиш бўлими бошлиғи Рустам Ҳасанов ҳамда катта солиқ назоратчиси вазифасида ишлаётган Самандар Мавлоновлар ҳам сохта диплом эгаси бўлиб чиқдилар. Қандай шармандалик?! Нуфузли идорада ғоздек гердайиб юрувчиларнинг бугун юзлари шувут бўлди.

Сохта дипломли солиқчилар содир этган жиноий ишлар туман халқ судида кўриб чиқилди. Судланувчи Рустам Ҳасанов 1964 йилда туғилган, ўрта маълумотли, Ибн Сино номли жамоа хўжалигида яшайди. Унинг таъкидлашича, 1993 йилда Тошкентдаги Жанубий темир йўл бекатида (терговда шахси аниқланмаган) бир кимсадан 35 минг Россия рублига Тошкент Давлат иқтисодиёт университетининг савдода бухгалтерия ҳисоби факультетини 1987 — 1992 йиллар ўқиб битирган, деган дипломни сотиб олган. Шундан сўнг 1994 — 1995 йилларда туман солиқ инспекциясида ишлаб келган. Эндигина йигирма еттига қадам қўйган. Шу тумандаги Афшона қишлоғида яшаб келган ҳамда солиқ инспекциясида назоратчи вазифасида ишлаган Самандар Мавлонов ҳам ҳамкасби изидан борган. У ҳам 1993 йил декабрь ойи охирларида Тошкентда Самарқанд автобекатида нотаниш кишидан 450000 сум-купонга Тошкент Давлат иқтисодиёт университетининг савдода бухгалтерия ҳисоби факультетини тугатган, деб ёзилган дипломни сотиб олган. «Диплом»ли назоратчи бир йилдан зиёдроқ инсекцияда кун кўрган... афсуски, виждон азобига тушишдан, эл назаридан қолишдан асло чўчимаган.

Суд мажлиси ҳар учала «солиқчи» айбини асосли важлар, гувоҳларнинг кўрсатмалари билан бўйнига қўйди. Адолатли ҳукм чиқилди: жиноятчиларнинг ҳар бирига Узбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 228-модда 3-қисми билан икки йил муддатдан ахлоқ тузатиш иши тайинланди. Сохта дипломлар эса йўқ қилинди.

Ҳукм чиқилди

Бизнингча, ҳаётга теран, очиқ кўз билан қаралганда, кадрлар маънавий дунёси обдон ўрганилганда пешқулик солиқчилар орасида нопок кимсалар бўлмасди.

Боймурод ОРИПОВ, Пешку тумани халқ суди раиси,
Даврон БАҲРОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.